

ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

Мадумарова Хилола

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси магистранти

Наманган шаҳар прокурори ёрдамчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17358314>10.5281/zenodo.17358314

Мустақиллик йилларида республикада таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари даражасига кўтарилди. Шу сабабли, мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, ҳозирги кунда мактабгача таълим ташкилотларида содир бўлаётган ҳолатлар (болаларнинг заҳарланиши, уларга нисбатан қўлланилган жисмоний зўравонликлар ва бошқалар) олиб борилаётган ишларнинг етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда.

Давлат мактабгача таълим ташкилотларига етарли малакага эга бўлмаган кадрларни ишга қабул қилиш, ташкилот томонидан амалга оширилаётган давлат харидларининг олдиндан келишиб олинishi, сифатсиз қурилиш объектлари — мактабгача таълим тизимида коррупциявий ҳолатлар барҳам топмаганлигидан дарак беради.

Коррупция — латинча “cor” ва “ruptum” сўзларидан ташкил топган бўлиб, “cor” виждон, юрак “ruptum” эса бузилиш, вайрон бўлиш деган маъноларни англатади. Яъни коррупция инсоннинг виждонан ва ахлоқан бузилиши ҳисобланади. Шунингдек, кўплаб илмий адабиётларда коррупция латинча “корруптио” сўзидан олинганлиги келтирилган бўлиб, пора бериб сотиб олиш, бузилиш, ишдан чиқиш, ахлоқий (маънавий) бузилиш деган маъноларни англатади¹.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги берган маълумотларига кўра, мактабгача ва мактаб таълими тизимида коррупция жиноятлари учун судланганлар сони **2023 йилда 474 тани** ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич **2024 йилга келиб 654 тани** ташкил қилган. Жорий йилда эса, мазкур тизимда **220 нафар** ходимда манфаатлар тўқнашуви аниқланиб, бартараф этиш чоралари қўрилган².

Айниқса, тизимнинг қуйидаги соҳаларида коррупцион ҳолатлар кўплаб учрамоқда:

- ✓ давлат харидлари ва бюджет маблағларидан фойдаланиш;
- ✓ раҳбар ва педагог ходимларни ишга қабул қилиш³.

Бу каби ҳолатларни олдини олишда Япония давлатида *дебаринг тизими* жорий қилинган. Дебаринг — бу давлат харидлари соҳасидаги коррупция ва ноқонуний ҳаракатларга қарши қаратилган санкциялар. Ушбу санкциялар доирасида давлат харидини амалга оширувчи ташкилот бундай субъектларнинг давлат харидлари буйича

¹ [Мишин Г.К. О теоретической разработке проблемы коррупции / Под ред. В.В. Лунеева // Коррупция: политические, экономические, организационные и правовые проблемы. — М.: Юрист, 2001. С. 26]

² [Электрон манба: <https://anticorruption.uz/uz/article/maktabgacha-va-maktab-talimi-tizimida-korrupsiyaning-oldini-olish-ishlarining-holati>]

³ [Электрон манба: <https://anticorruption.uz/uz/article/maktabgacha-va-maktab-talimi-tizimida-korrupsiyaning-oldini-olish-ishlarining-holati>]

шартномалар тузиш ҳуқуқини белгиланган муддатга вақтинча тухтатади. Агар мазкур санкция бир буюртмачи томонидан қўлланилса, у бу ҳақда бошқа буюртмачиларга ҳабар бериши мумкин ва улар ҳам “дебаринг” чорасини қўллай оладилар⁴. Бу тизим орқали, ўз фаолиятини ноқонуний йўллар билан амалга ошираётган тадбиркорларнинг даромад олишига, фаолиятига жиддий зарар етказилиб, уларни бу каби хатти-ҳаракатларни амалга оширишдан тийиб туради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, коррупция ва порахўрлик жамият барқарорлигининг муҳим асоси бўлган адолатнинг йўқолишига олиб келади, бунинг натижасида эса, давлатимизнинг асосий устуни бўлган таълим тизимининг емирилишига сабаб бўлади. Мамлакатимиз мустақамлиги, халқимиз фаровонлиги, юртнинг ривож ва гуллаб яшнашини, обод бўлишини истаган ҳар бир фуқаро пора олиш ва бериш иллатидан халос бўлиши, бир сўз билан айтганда “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланиши керакдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил.: [Электрон манба]. URL: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.
2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши Конвенцияси” // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/1461329>.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги 419-сонли Қонуни, 2017 йил; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3088008>.
4. Мишин Г.К. О теоретической разработке проблемы коррупции / Под ред. В.В. Лунеева // Коррупция: политические, экономические, организационные и правовые проблемы. – М.: Юрист, 2001. С.
5. Давлат харидлари соҳасида коррупцияни олдини олиш. Тошкент - 2025. Рисола.

⁴ [Давлат харидлари соҳасида коррупцияни олдини олиш. Т. 2025. –Б. 18]